



## “Маҳалла обод — юрт обод!”

2024 йил 24-25 АВГУСТ КУНЛАРИ ЮРТИМИЗДА УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамаси фармойишига кўра, ҳашар давлатимиз Мустақиллигининг 33 йиллик байрамини шон-шарифга муносиб тайёргарлик кўриш, маҳаллалар, аҳоли тураржойлари, хлёбонлар, зньэрэтгоҳлар, қабристонлар ҳамда болалар майдончаларини ободонлаштириш мақсадида амалга оширилади.

Давоми 2-саҳифада.

Қандай талқин этилмасин, халқимизда тўй-тадбирлар, тантаналар, байрамлар олдидан ҳамма жойни обод этиш, озода, саришта сақлашга доир ишлар кўлами янада авж олиши бор гап. Бу жиҳатлар ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этиладиган умумхалқ хайрия ҳашарларида ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Бу йилги ҳашар “Маҳалла обод — юрт обод!” шiori остида ўтказилишида катта рамзий маъно бор. Зеро, миллийлигимизнинг муҳим кўриниши саналган маҳалла ва ҳашар қадрияти замирида халқимизнинг бой тарихи, инсонийлик, олижаноблик каби эзгу фазилатлари мужассам. Бу жиҳатлар жорий йилги ҳашарда ҳам ўз ақсини топиб, унинг доирасида бир қатор хайрли тадбирлар амалга оширилади.



Давоми 2-саҳифада.

## “ОДАМЛАР МАҲАЛЛА МАДАДИНИ ҲАР ЛАҲЗА ҲИС ЭТАДИ”

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

Давлат раҳбари қайси ҳудудга ташриф буюрса, албатта, бирорга маҳаллада бўлади, аҳоли билан мулоқот қилади. Бу бир жиҳатдан жойлардаги ҳақиқий вазиятни ўрганиш, одамлар дaрдини ҳис қилиш имконини берса, бошқа жиҳатдан маҳалла аҳлига қувонч улашади, уларнинг эртани кунга шон-шарфини орттиради. Бу гал ҳам шундай бўлди — Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида маҳалламизда бўлди.



Айтиш керакки, маҳаллалардаги имкониятларини шига солиб, аҳоли бандлигини таъминлаш бугун давлат сўбасига кўтарилган. Бунда энг қулай ва ҳаммабон имкониятлардан бири — томорқадан фойдаланишдир. Бундай омилкорликни “Жузумбоғ” маҳалласида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда меҳнатда тобланган, нисикхонанинг ҳадиесини олганлар нисикомат қилади.

Давоми 2-саҳифада.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

## “Еттилик” одоб-ахлоқ қоидасини билишни керак

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан жойларда “маҳалла еттилик” вакиллари учун ўқув-семинарлар ташкил этиляпти.

Уюшма масуулари Учқудуқ туманида ўтказилган семинарда “еттилик” олдига кўйилган вазифалар, уларнинг ижросида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар хусусида сўз юритилди. Аҳоли билан мулоқот маданияти, раҳбарлик этикаси, одоб-ахлоқ қоидалари буйича фикр алмашилди. Ўзаро суҳбатлар ўтказилиб, савол-жавоб асосида “маҳалла еттилиги”нинг билим салоҳияти текширилди.

Семинар давомида Мустақиллик байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида барча маҳалла хонадонларида умумхалқ ҳашарини ташкил қилиш ҳамда ободонлаштириш ишларини олиб бориш ҳақида айтиб ўтилди. Бу жараёнда “еттилик” вакиллари зиммасидаги вазифалар таҳлил қилинди.



Давоми 2-саҳифада.

ТАРТИБ

## Рўйхатга қўйишда ягона тартиб ўрнатилади



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш жойи буйича рўйхатдан ўтиши ва турар жойи буйича хабардор қилиши тартиби тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Давоми 2-саҳифада.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

## ҲАШАР МАЖБУРИЙ МЕҲНАТМИ ЁКИ...

Орамизда умумхалқ ҳашарида шигирок этмаган инсонни топиш мумкин. Маҳаллаларда, таълим муассасалари ва ташкилотларда ташкил этилган ҳашарларда кўччилик фаол қатнашган. Бирок ҳар сафар умумхалқ ҳашари эълон қилинганда, аксарият кишилар ҳаёлидан, эҳтимол, шундай савол ўтади — ҳашар мажбурийми?

Давоми 2-саҳифада.

ИЖТИМОЙ ХОДИМ

## Келажакка ишонч, яхши кунга умид билан...



Баъзан идорамизга тўрт мучаси соғ эркаклар моддий ёрдам сўраб келганини сира қабул қилолмайман. Уларга юролмайдиған, кўриш, эшитишда нуқсонли бўлишига қарамай, тиришиб-тирмашиб ҳаракат қилаётган инсонларни ибрат қилиб кўрсатгим келади.

Давоми 7-саҳифада.

БИЗ БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ,  
БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!



Президент Қорақалпоғистон Республикасидаги "NUKUS ELECTROAPPARAT" кўшма корхонаси фаолияти билан танишди.



Давлатимиз раҳбари IT-паркнинг Қорақалпоғистон филиалини бориб кўрди.



Президент Республика шошлинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиалидаги Шароитлар билан танишди.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

# “Одамлар маҳалла мададини ҳар лаҳза ҳис этади”

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Пўлатбой АЛЛАМБЕРГАНОВ, Кегейли туманидаги “Жузумбоғ” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда 4 минг 300 нафарга яқин аҳоли яшайди. “Драйвер” соҳалар — чорвачилик ва деҳқончилик. Худудда 990 та хонадоннинг ўз томоғаси бор. “Сайхунобод тажрибаси” асосида маҳаллий имкониятлар ишга солиняпти. Хусусан, деҳқончилик учун 174 нафар фуқарога 128 гектардан ортиқ ер узоқ муддатга ажратилган. Улар деҳқончилик қилиб, рўзгор учун қўшимча даромад қилаётди. Иссиқхона ташкил этиб, йилга икки марта ҳосил олишни йўлга қўётган оилалар сони кўпаймоқда. Шу билан бирга, учта мактаб, олтинча боғча, етмишдан ортиқ тадбиркорлик субъектида аҳоли доимий иш билан банд. Маҳаллада “Ёшлар узум боғи” ташкил этилган. Авваллари бу боғнинг ўрни ташландик жой, юриб бўлмас чакалақор эди. Илм ва меҳнат уйғунлиги ўз мевасини бериб, бугун бу ерда меҳнаткаш

ва матонатли халқимиз кўркам боғ яратди. Президент бу жиҳатни алоҳида қайд этди. Боғда 40 кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб берилган. Воиш усулида парвариш қилинаётган бу тоқзорнинг қатор ораларидан ҳам омилкорлик билан фойдаланилмоқда. Турли सबзавотлар етиштирилиб, 400 тоннагача маҳсулот олинаяпти. Тоқлар тўлиқ ҳосилга кириши билан йилга қиймати 4 миллиард сўмлик 200 тоннага яқин маҳсулот олиниши кўзда тутилган. Давлатимиз раҳбари шу ерда деҳқончилик қилаётган йигит-қизлар билан суҳбатлашди. Улар сўнгги йиллардаги имкониятлардан фойдаланиб, деҳқончилик учун ер олгани, полиз экинлари ва кўкатлар етиштириб, даромад топаётганини айтди. Режа ва ниятлари ҳақида гапирди. Президент ҳар бир ёшнинг фикрини тинглади, керакли маслаҳатларини берди. “Сизларнинг ишли бўлганингизни, кўзингиздаги ишонччи кўриб, хурсанд бўлдим. Ўзи менинг энг катта мақсадим шу — халқимни рози қилиш, бахтли кўриш. Қилаётган ишларимиз тўғриси, фақат уни кенгайтиришимиз керак”, — деди Шавкат Мирзиёев.



Ёшлар Президент билан мулоқотда ўзларини ўйлантираётган масалаларни ўртага ташлади. Давлат раҳбари ёшларнинг тақдирлари асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун совуткичи омбор қуриш, эхтиёжманд йигит-қизларнинг тўйлари ва шартнома туловларига кўмаклашиш бўйича курсатмалар берди. Кўп кузатганимиз — Шавкат Мирзиёевнинг маҳаллаларга,

айниқса, қорақалпоқ йиғинлари, овулларига меҳри бўлачқ. Қайси мавзуда йиғилиш ўтказмасин, қайси ҳудудга бормасин, ишларни маҳалла даражасида ташкил этиш зарурлигини айтди. Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ўтказилган йиғилиш ҳам маҳаллалар, бу ерда яратилган ноёб тизимнинг ўзига хос томонлари, аҳолини рози қилиш

Ҳар бир оила, ҳар бир хонадон, керак бўлса, ҳар бир фуқаро билан индивидуал ишлаб, уларнинг дардини аритишга, муаммоларига ечим топишга, тадбиркорлик ва бошқа ҳолатларга кўмаклаш бўлишига интиламиш.

километр электр тармоғи янгиланди, 55 километр газ ва 112 километр сув тармоғи ўтказилди. Жумладан, маҳалламизда айни маблағ эвазига 3,4 километр ичимлик сув қувури тортилди, 1,1 километр электр тармоғи янгиланди, йиғин биносига қуёш панели ўрнатилди. Бундай эзгу амаллар ҳозир ҳам давом этапти. Умуман олганда, Президент Шавкат Мирзиёев ташриф давомида одамларнинг даромади ортиб, маҳаллалар обод масканга айланиши лозимлигига урғу қаратди. Бундан тўғри хулоса чиқариб, энди маррани янада баланд оламыш. Ҳар бир оила, ҳар бир хонадон, керак бўлса, ҳар бир фуқаро билан индивидуал ишлаб, уларнинг дардини аритишга, муаммоларига ечим топишга, тадбиркорлик ва бошқа ҳолатларга кўмаклаш бўлишига интиламиш. Ҳар қандай масала маҳалланинг ўзида ҳал бўлишига эътибор қаратамиз. Аслида, бугун маҳалла фаолларидан талаб этилаётган вазифа ҳам шу — ҳеч ким эътибордан четда эканини ҳис қилмасин, муаммоси билан ўзи ёлғиз қолмасин, маҳалланинг, давлатнинг мададини ҳар лаҳза ҳис этиб турсин.

## “Маҳалла обод — юрт обод!”



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Хусусан, ҳашар кунлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига мурувват ёрдамлари кўрсатилади. Эхтиёжманд, меҳр-мурувватга муҳтож, боқувчисиз қолган кекса ва ногиронлиги бўлган фуқароларнинг уй-жой

шароитларини яхшилашга кўмаклашилади. Уларнинг оғирини енгил қилиш орқали бу юртда ҳеч ким эътибордан четда эмаслиги, ҳар бир киши давлат гамхўрлигини ҳис қилишга ҳақли экани амалда ўз тасдиғини топади. Хайрия ҳашарини юқори савияда ўтказиш мақсадида ҳар бир

маҳаллада чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Ҳар бир кўча ва кўп қаватли уйларида бажарилган ишлар ҳажми “кўчабай” ва “хонадонбай” шакллантирилади, “маҳалла еттилиги” масъулияти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фақат те-

гишли маҳалла ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида аҳолининг иштироки иштирок этишини ташкил этади. Ташкилотлар ўз ходимларини бошқа турдаги жамоат ишлари, хусусан, қурилиш-таъмирлаш ва қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этиши қатъиян тақиқланади. Автомобиль йўллари, ҳаракатланиш тиғиз бўлган кўчалар, сув объектлари, қирғоқбўйи ҳудудлар ва зоналар, қурилиш майдонлари, бино ва иншоотлар томлари, хавфли ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек, инсонларнинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф туғилиши юзасига келиши мумкин бўлган бошқа жойларда иштироки таъбир билан ҳашарлар ва бошқа ишларни ўтказиш мумкин эмас. Гарчи ҳашар 24-25 август кунларига белгиланган бўлса-да, маҳаллаларда ҳозирдан ҳамма ёқни чиннидек озода, файзли ҳолатга келтириш ишлари бошланиб кетган. Шундай экан, имконингиз бўлса, ҳашарда, албатта, қатнашинг, атрофимизни ободонлаштириш, тозалаш ишларида фаол бўлинг! Кам таъминланган, ногиронлиги бор оилаларга ёрдам қўлини чўзинг, улардан ҳол-аҳвол сўраг! Жамоатчилик ишларида бефарқ бўлманг!

ОБОДЛИК

УЮШМА КУНДАЛИГИ

## Пулли хизматнинг 70 фоизи ходимга берилади

Урганч шаҳридаги “Шодлик” ҳамда Урганч туманидаги “Обёкбоғ” йиғинларида маҳалла сервис компаниялари фаолияти йўлга қўйилди.



Компаниялар аҳолининг ҳам вақтини, ҳам нақдани тежашга хизмат қилмоқда. Уларда 20 дан ортиқ хизмат турлари тақлиф этиляпти. Компанияга шу маҳаллада яшовчи 10 нафар ишсиз фуқарони ишга қабул қилдик, — дейди “Шодлик маҳалла сервис компанияси” МЧЖ раҳбари Қасимов. — Ховли уйлاردан иборат маҳаллада 6

миндан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалланинг ободлигини таъминлаш билан бирга, аҳолига турли пулли хизматларни тақлиф этамиз. Ходимларга ўртача 2,2 миллион сўмдан ойлик маош тўланади. Шунингдек, кўрсатилган пулли хизматнинг 70 фоизи уларнинг ўзларига устама сифатида берилади. Компаниялар тегишли бинолар ва асбоб-ускуналар билан таъминланган.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

ТАРТИБ

## Ҳашар мажбурий меҳнатми ёки...

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Қандай ҳаракатлар мажбурий меҳнат ҳисобланади? Мажбурий меҳнатнинг кенг тарқалган кўринишлари сифатида пахта териш ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ишларига, ободонлаштириш, қурилиш-таъмирлаш ишларига, навбатчиликка жалб этиш, иш вақтидан ташқари ортиқча ишлатиш, металл чиқиндилари ва макулатура топширишга мажбурлаш кабиларни кўрсатиш мумкин. Ўзбекистонда мажбурий меҳнат тақиқланган. Ҳашар мажбурийми? Қонунчиликка кўра, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ҳашарни фақат иштироки тарзда ташкил этади. Аммо бундан ташқари Президент ёки Ҳукуматнинг тегишли ҳужжати қабул қилиниши керак. Ҳашарлар доирасида фақатгина ободон-

лаштириш, кўкаламзорлаштириш, иш ўринларини тартибга келтириш ишлари амалга оширилиши мумкин. Мажбурий меҳнат учун қандай жавобгарлик бор? Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш учун ҳам маъмурий, ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган. Жумладан, мажбурий меҳнат учун БҲМнинг 50 бараваридан 100 бараваригача (ҳозирда 17 миллион сўмдан 34 миллион сўмгача) маъмурий жарима қўлланилади. Мажбурий меҳнатдан энг жабр чеккан тоифа — педагог ходимни меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш БҲМнинг 10 бараваридан 150 бараваригача (ҳозирда 34 миллион сўмдан 51 миллион сўмгача) ва 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари кўринишидаги жиноий жазо билан жазоланади.

## РЎЙХАТГА ҚЎЙИШДА ЯҒОНА ТАРТИБ ЎРНАТИЛАДИ

Ҳозирда амалда бўлган “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги қонуни бекор қилиш, тураржой бўйича хабардор қилиш тизимини жорий этиш тақлиф этилмоқда.

Унга кўра, эндиликда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти учун алоҳида, бошқа вилоятлар учун алоҳида рўйхатга олиш тартиби бўлмади, бундай амалиётдан воз кечилди, республика бўйича бир хил тартиб амал қилади. Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш киритилиб, ўн саккиз ёшгача бўлган, олти ёшдан ошган ёки тўлиқ давлат таъминотида бўлган шахслар эндиликда паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан тўлиқ озод этилади.



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

## Маҳалла раислари ҳушёр ва огоҳ бўлмоғи шарт

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш марказида Олмалой туманидаги маҳалла раислари учун “Ўзбекистонда дин ва давлат муносабатлари” мавзусида семинар ўтказилди.

Семинарда дин ва давлат муносабатларига таъриф берилди. Ҳар бир инсон, бутун жамият ўзаро муносабатларни халқларнинг турли-туман урф-одатлари, маданияти ва қадриятларини тан олган ҳолда, бағрикенглик асосига қуриши зарурлиги, бу жиҳат тараққиёт гарови экани қайд этилди. Шу билан бирга, динни ниқоб қилиб олган айрим радикал гуруҳлар фаолияти, уларнинг асл мақсадлари ҳақида маълумот берилди. Бу борада маҳалла раислари аҳоли, айниқса, ёшларни уларнинг тажовузларидан ҳимоя қилиши зарурлиги, бунинг учун маҳалла фаолларида етарли билим ва тушунар бўлиши кераклиги таъкидланди.





**ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ**  
“Air Products” компанияси  
президенти ва бош  
ижрочи директори Сейфи  
Гасемини қабул қилди.



“Имом Термизий  
таваллудининг  
1200 йиллигини кенг  
нишонлаш тўғрисида”ги  
ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ  
қабул қилинди.



Президент  
“Шоли етиштирувчилар  
фаолиятини кўллаб-  
қувватлашнинг кўшимча  
чора-тадбирлари  
тўғрисида”ги ҚАРОРНИ  
ИМЗОЛАДИ.

# “Бўш турган бино тадбиркорга берилса...”

Ҳоким ёрдамчиси деганда, кўнларнинг кўз олдига эркак киши кифаси гавдаланади. Лекин бугун бу фикр нотўғри эканини, аёллар ҳам ишжояги, интилиши билан халқ хизматида уларнинг меҳрини қозона олганини тажрибамда исботлашди.

**Гулшода САИДОВА,**  
Иштихон туманидаги  
“Шайхларкент” маҳалласи  
ҳоким ёрдамчиси.

Ўзим иқтисодчиман. Бир неча йил маҳалла тизимида меҳнат қилдим. Шунинг учун бу вазифада ишлаб кетишим қийин бўлмади. Биринчи йилдаги хатловда 277 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга олинган. Бу жуда катта рақам. Зиммамдаги вазифа ва масъулиятни ўшандаёқ яхши англаганман. Асосий эътиборни уларнинг бандлигини таъминлашга қаратдим. Ажратилган кредит маблағини тўғри тақсимламасам, натижага эришиб бўлмасди. Дастлаб, режа туздим. Шуқри, йилдан-йилга рақамлар камайиб борди. Жорий йил бошидаги хатловда 78 нафар ишсиз аниқланди. Уларнинг 62 нафарига ер бердик. 4 нафарига субсидия ажратдик. Бугун бирорта ишсиз фуқаро қолмаган.

Бандликни таъминлаш учун

тадбиркорлар сафини кенгайтиришга шайланмадим. Маҳаллада яшовчи ишбилармонларнинг фаолиятини кўллаб-қувватлаб, янги иш ўринлари яратилишига ҳисса қўшдим. Дастлаб тажрибаси бор тадбиркорларга имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашдим. Уларга ишсиз, иктимой химояга муҳтожларни бириктирдим. Устоз-шогирд аънанасини йўлга қўйдим.

Аслида ҳам, ҳеч бўлмаса бизнес режа тузишни билмайдиган тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган кишига кредит ажратиш — билиб туриб, пулни беҳудага совириш, дегани. Шунинг учун аввал уларга тадбиркорликдан сабоқ бериб, тўғри йўл-йўриқ кўрсатдик. Меҳридин Уролов ана шу босқичларни босиб ўтди. Кейин унга 7 миллион сўм субсидия ажратдик. Шу маблағ эвазига сартарошлик фаолиятини йўлга қўйди. Ҳозир ойига 2-3 миллион сўм даромад топапти. Махлиё



Бадриддинова субсидия асосида тикув машинаси олиб, ўзини ўзи банд қилди.

“Умида нонлари” оилавий корхонаси 2014 йилда ташкил қилинган. Бир оиланинг 3 нафар қизи тандирда патир ёпиб, сотиши ортдан иш бошлаган корхонанинг йилдан-йилга фаолияти

кенгайиб борди. Бугунги кунда корхонага қарашли нон ва нон маҳсулотлари тайёрлайдиган бир неча цехлар ишлаб турибди. 2022 йилда фаолиятини кенгайтириш учун уларга 200 миллион сўм кредит ажратилди. Натижада 10 га яқин янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, корхона қошида

оилавий мактабгача таълим ташкилоти иш бошлади.

Яқингача ногирон ва ишсиз бўлган Бахтиёр Қулматов 100 миллион сўм кредит ҳисобидан тадбиркорга айланди. Маблағ эвазига кичик спорт майдони қуриб, маҳалла аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Раъно Умарова эса 15 миллион сўм кредит олиб, 2 та тикув машинаси харид қилди. Хунармандчилик ортдан ойига 4-5 миллион сўм даромад топмоқда.

Маҳаллада тадбиркорликни янада юқори босқичга олиб чиқиш мумкин. Бунинг учун худуддаги эски, фойдаланилмай турган бино тадбиркорга берилса, сутни қайта ишлаш корхонаси ташкил этмоқчи. Аммо унга катта миқдорда маблағ керак. Биз эса 100 миллион сўмгача кредитга тавсия бера оламиз, холос. Бундан ташқари, маҳалла худудидagi бўш ер майдонига касб-хунар ўқув маркази қурилса, ишсизлар касб-хунар ўрганиши осонлашади.

ТАКЛИФ, ТАШАБУС, НАТИЖА

# “Маҳсулотни қайта ишловчи корхона қуриш керак”

Ҳоким ёрдамчиси лавозимига тайинланганимда ишончли оқлаб оларимканман, деган кўркув бор эди. Аввалги фаолиятимда иқтисодий соҳаларда турли лавозимда ишлаганим бу ҳақдаки энггинимда кўл келди. Барчаси янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ ва ҳоким ёрдамчиси вазифасига ҳамоҳанг эди.

**Акмалжон ҚўЧҚОРОВ,**  
Тўртқўл туманидаги “Марказобод”  
маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Маҳалла “драйвер”и — хизмат кўрсатиш. Ихтисослашувдан келиб чиқиб, аҳолини барқарор даромад билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Шу кунгача 553 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланди. Шундан ўзини ўзи банд қилганлар 218 нафарни ташкил қилди. 122 та лойиҳага 2,8 млрд. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. 7 та тадбиркорлик лойиҳаси ишга тушиши ортдан 135 нафар фуқаро даромадли меҳнат билан таъминланди. “Бизнесни ривожлантириш банки” орқали 4 та кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаси молиялаштирилди.

Мафтуна Султоновага пиширик ва ширинлик ишлаб чиқариш йўналишида 100 миллион сўм, Қазбек Мақсудовга сувни йиғиш, қайта ишлаш ва тақсимлаш йўналишида 65 миллион сўм, Юлдуз Жуманиёзовага оилавий меҳмон уйлари ташкил этиш йўналишида 85 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. “Po'lat sharof



savdo” масъулияти чекланган жамиятига тўқимачилик йўналишида 100 миллион сўм маблағ берилди. Натижада жами 10 та янги иш ўрни пайдо бўлди. Шунингдек, тикувчилик ва тўқувчилик фаолиятини йўлга қўйиш учун маҳалла биносига битта хона ажратилган. Бу ерда иктимойи дафтарада турувчи 69 нафардан зиёд хотин-қизга бепул касб-хунар ўргатиб, бандлиги таъминланди.

Камбағалликни қисқартиришда, аввало, сабабини ўрганиб, бартараф этиш чорасини кўряпмиз. Мониторинг натижасига кўра, ногиронлиги бўлган шахслар, нафақадагилар ва бола парварлиши билан банд аёллар мавжуд оилаларда камбағаллик намоён

бўлмоқда. Улар билан алоҳида иш олиб боряпмиз.

Фикримни мисоллар орқали асослаб беришим мумкин. “Аёллар дафтари”даги Наргиза Сейтмбетовага “Хар бир оила — тадбиркор” дастури асосида миллий ширинликлар, қандолат маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш йўналишида 20 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Натижада оиланинг 430 минг сўм ойлик даромади жон бошига 1,6 миллион сўмни ташкил этди. “Аёллар дафтари”даги Хуршида Қулимбетовага ҳам субсидия асосида тикув машинаси топширилди. У ўзини ўзи банд қилди.

Замонавий хизмат кўрсатиш турларини жорий қилиш орқа-

ли янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган концепция ишлаб чиққанман. Фаолиятимда хар бир хонадонда чорвачилик, иссиқхона, паррандачилик каби йўналишда ўзини-ўзи банд қилиш, ерларни ўзлаштириш, пахта, ғалладан қисқартирилган майдонларга экспортлоб қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтиришга эътибор беряпман. Мана шу жиҳатни ҳисобга олиб, маҳаллада етиштирилган маҳсулотни қайта ишловчи корхона қуриш таклифини билдирдим. Агар шу таклиф амалга ошса, хомашёни тайёр маҳсулот сифатида сотувга чиқарамиз. Бу даромаднинг асосий қисми дехқонда қолишини таъминлайди.

КҮН САВОЛИ

**Мақсудбек ХҲЖАНИЁЗОВ.**  
Хонқа туманидаги “Ойдин ҳаёт” маҳалласи:

— Маҳалламиз “драйвер”и — шолчилик. Аҳоли фермер, дехқон хўжаликлари шаклида иш олиб боради. Жорий йил Президентнинг “Шоли етиштирувчилар фаолиятини кўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда биз учун қандай янгилик ва имтиёз белгиланган?

# Шоличиликда янги имтиёз белгиланди(ми)?



**Исломжон АБДУРАҲМОНОВ,**  
“Мадад” ННТ ижрочи  
директори ўринбосари:

— Президентнинг “Шоли етиштирувчилар фаолиятини кўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, 2024 йил 1 сентябрдан фермер, дехқон хўжаликларига шоли етиштириш ва харид қилиш харажатларини молиялаштириш учун белгиланган шартларда имтиёзли кредит ажратилади.

2025—2026 йилларда шоли экиш учун харид қилинган ва ишлаб чиқарилганига бир йилдан ошмаган янги уруғ экинлари ва дарактлар уруғини муайян чуқурликда текис экиш, ўғитлаш учун мўлжалланган қишлоқ хўжалиги машинаси ҳамда кўчатилаб экиш ускуналари қийматининг 20 фоизи Давлат бюджетидан субсидия-

лар ажратиш орқали қоплаб берилади.

Хоразм вилоятида шоли етиштирувчиларга хар бир гектар лазерли текисланган майдонга сарфланган ёқилги-мойлаш материаллари харажатларининг 100 фоизини, бироқ бир гектар учун умумий харажат миқдорининг 1 млн. сўмдан ортиқ бўлмаган қисмини ва замонавий сув тежовчи технологияларни жорий қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун кўшимча субсидия берилади.

Хоразм вилоятидаги айрим корхоналарга истисно жорий этилган. Жумладан, 2024 йил ҳосилидан 120 центнер ва ундан юқори ҳосил олган қишлоқ хўжалиги корхоналарига етиштирилган шолининг 50 фоиздан ошмаган гуруҳ маҳсулотини экспортга йўналтиришга рухсат этилади.

БИЛАСИЗМИ?

# Фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси қандай тузилади?

**Сарбарой ЖАЛОЛДИДДИНОВА.**  
Қортоқ тумани:

— Ёлғиз онаман. Икки нафар фарзандим бор. Хусусий боғчада ишлайман. Яқинда моддий ёрдам олиш учун маҳалла раисига мурожаат қилдим. Ойлик иш ҳақим ҳақида маълумотнома сўрашди. Лекин иш жойимдан сиз фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ишлайсиз, деб маълумотнома бермади. Шу ҳақида тўлиқ тушунча берсангиз?

**Зиёвуддин ПОЗИЛЖОНОВ,**  
“Мадад” ННТ ташкилий кадрлар  
бўлими бош мутахассиси:

— Қонунчиликда фуқаролик-ҳуқуқий шартнома ва меҳнат шартномаси мавжуд. Меҳнат шартномаси асосида ишга кирсангиз, ходим сифатида штатга қабул қилинасиз.

Бунда иш берувчи билан ўртангизда меҳнат ҳуқуқий муносабатлари вужудга келади. Шунингдек, бу муносабат Меҳнат кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади. Қонунда белгиланган

барча имтиёз ва қафолатлардан фойдалана оласиз.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномада тарафлар ходим ва иш берувчи сифатида муносабатга киришмайди. Бунинг сабаби шуки, мазкур турдаги келишув — ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасидир. Унда томонлар буюртмачи ва ижрочи деб номланади.

Булардан келиб чиқадики, ўртада меҳнат-ҳуқуқий муносабат вужудга келмайди. Шунчаки, хизмат кўрсатиш юзасидан битим тузилади. Ундаги шартлар ҳам иттирийлик асосида ўзаро



келишилади. Муносабатлар қонунга, хусусан, Фуқаролик кодексига зид бўлмаслиги зарур. Зеро, буюртмачи ва ижрочи ўртасидаги мазкур муносабат айнан Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Демак, фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ишга кирганда меҳнат ҳуқуқий муносабат пайдо бўлмайди. Шу тўғрисида Меҳнат кодекси қоидалари бу турдаги муносабатларга татбиқ этилмайди. Бошқача қилиб айтганда, меҳнат қонунчилигидаги қафолатлардан фойдалана олмайсиз.



2025 йил 1 январдан ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ВАҚТ ШКАЛАСИ (UTC (UZ)) жорий этилади.



Тунги вақтда фуқаролар оқолияти ва нормал дам олишини бузганлик учун МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК кучайтирилади.



Жорий йилда 186 871 нафар абитуриент ТАЛАБАЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИНИБ, уларнинг 41 153 нафари давлат гранти асосида ўқийди.

КУН САВОЛИ

Азизбек ҒОЙИПОВ.

Янги Наманган туманидаги "Оромгоҳ" маҳалласи:

– Агар "Ёшлар дафтари"да ишсиз сифатида рўйхатда турган фуқаро аёли билан ажрашса, фарзанди учун алимент қандай тартибда ва қайси манбадан унидирилади? Эки амалда даромади бўлмагани учун унидирув вақтинча тўхтатиладими?

## Ишсизлар қанча алимент тўлайди?



Сарвар МАМАДИЕВ, Чилонзор тумани суди судьяси:

– Йўқ, тўхтатилмайди. Оила кодексининг 104-моддасига кўра, алимент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқирисидида пул ёки пул ҳисобига бериладиган нарса тарзида олинган барча турдаги даромаддан ушлаб қолинади.

Чет эл валютасидаги даромад алимент унидириладиган кунда амалда бўлган Марказий банкнинг расмий курси бўйича сўмда ҳисобланади.

Кисқа қилиб айтганда, алимент унидирув алимент тўловчининг кўзга кўринган барча даромадига қаратилади. Фақат бу даромад расмий бўлиши ва ҳужжатда акс этиши керак. Агар тўловчининг расмий даромади бўлмаса, унда ишсизлик ҳисоби бўйича ҳамда республикадаги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Юқоридеги ҳолатда "Ёшлар дафтари"да ишсиз сифатида рўйхатда турган фуқаро ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб, алимент тўлайди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Темур ТЕШАБОВЕВ.

Гулистон туманидаги "Аҳиллик" маҳалласи:

– "Ёшлар дафтари"да турганим учун менга Президент қарори асосида узок йил фойдаланиш учун 50 сотих ер ажратилган. Мутахассисларнинг маълум қилишича, бу борада қонунчиликка ўзгартириш киритилибди. Шу ҳақида тўлиқ маълумот берсангиз.

## Ер олган ёшларга қўшимча ИМКОНИЯТ



Нодир АБДУҚОДИРОВ, Ёшлар ишлари агентлиги ахборот хизмати раҳбари:

– Сўнгги йилларда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, кишлоқ хўжалиги соҳасига жалб этиш орқали бандлигини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар бажарилмоқда.

Ўз навбатида ҳуқуқий асосини ташкил этувчи қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, жорий йилнинг 3 августда Президентнинг "Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосланган Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Унга кўра, энди "маҳалла

еттилиги" тавсиясига асосан шакллантириладиган рўйхатдаги ёшларга мини-техника, уруғ ва кўчат харид қилиш учун Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 33 млн. сўмгача кредит ажратилади.

"Маҳалла еттилиги" тавсиясига асосан шакллантириладиган рўйхатга киритилган ҳамда ер участкаларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн-ауқшон савдо ғолиби бўлган ёшлар ер участкаси нархини 10 йил муддатга тенг улушларда фозисиз бўлиб-бўлиб тўлашлари мумкин.

"Ёшлар дафтари"га киритилган ҳамда деҳқончилик ва томорқа хўжалигини юритиш билан шуғулланаётган йигит-қизларга "Ёшлар дафтари" жамғармаси маблағлари ҳисобидан мини-техника, уруғ ва кўчат харид қилиш учун 5 млн. сўмдан субсидия берилади.

## Етакчилар ўртасида мусобақа ўтказилса...

Салоҳиддин Муродиллаев ҳар йили хорижда мавсумий ишлаб қайтарди. Ойласидан олтида, мусофирликда кўп машаққат чекди. Жорий йил уйига қайтганида у билан алоҳида суҳбатландим. Агар хоҳласа, шу ерда яхши даромад тошни мумкинлигини тушунтирдим. Имтиёзли кредит, субсидия ва деҳқончилик қилиш учун ер ажратиш таклифини билдирдим.

Ҳойлигит ЖЎРАЕВ, Сирдарё туманидаги "Матонат" маҳалласи ёшлар етакчиси.

Бололикдан суяги деҳқончиликда қотган йигит ижара асосида 50 сотих ер олди. Бу майдонга тарвуз, қовун экиб, ўзини ўзи банд қилди. Хозиргача 25 миллион сўм фойда кўрди. Йил якунигача даромади 40 миллион сўмдан ошиши кутилмоқда.

Дарҳақиқат, Президентнинг "Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори нафақат миграциядан қайтган, балки оғир тоифадаги, ишсиз, эҳтиёжманд ёшларнинг бандлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Мисол учун Умид Шаймановнинг доимий иши ва қўшимча даромади йўқлиги сабабли оила ажралиш ёқасига келиб, оғир тоифага киритилганди. У ҳам 50 сотих ер олиб, ўзини ўзи банд қилди. Дастлабки ҳосилдан 35 миллион сўм даромад топди. Аразлаб кетиб қолган турмуш ўртоғи қайтди. Хозир биргаликда деҳқончилик билан



шуғулланмоқда. Йил якунигача 50 миллион сўм даромад кутяпти.

Жорий йилдаги хатловда жами 11 нафар миграциядан қайтган ёш рўйхатга олиниб, бугунгача барчаси Президент қарори асосида ери бўлди. Ҳар хил полиз экинлари – тарвуз, қовун, ошқовоқ экишган. Яна бир эътиборли жиҳат – етиштираётган маҳсулотини экспорт қилишга кўмаклашиш, зарур маслаҳат бериш мақсадида штаб ташкил этганмиз. Даромад ошгани сари мулкдорлар қатлами шаклланимоқда.

Шу ўринда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун спорт майдонига эҳтиёжимиз борлигини айтиб ўтмоқчиман. Спорт билан шуғулланиш учун йигит-қизлар туман марказига боришга мажбур бўлмоқда. Яна бир таклифим – етакчилар ўртасида турли мусобақалар ўтказилса, ўзаро тажриба алмашиш имкони пайдо бўлади. Сўзим сўнггида тажрибамда

дуч келаётган оғрикли масалага эътибор қаратмоқчиман. Негадир айрим ёшлар ватан олдидаги муқаддас бурчини ҳис этмаяпти. Ҳарбий хизматга боришни хоҳловчиларни уйма-уй қидириб юрибмиз. Шу қарори асосида ери бўлди. Ҳар хил полиз экинлари – тарвуз, қовун, ошқовоқ экишган. Яна бир эътиборли жиҳат – етиштираётган маҳсулотини экспорт қилишга кўмаклашиш, зарур маслаҳат бериш мақсадида штаб ташкил этганмиз. Даромад ошгани сари мулкдорлар қатлами шаклланимоқда.

чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қароридида бу борада қатор вазифалар белгиланган. Унга кўра, "Ёш чегарачи", "Ёш қутқарувчи", "Қувнок стартлар", "Темурбеклар", "Тумарис маликалари", "Шунқорлар" танловлари ҳамда "Мен ҳам аскар бўламан" акциялари ва ҳарбий қисмларга саёхатлар ташкил этилади. Лекин амалда бу тадбирлар таъсири сезилмаяпти.



ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ТАКЛИФИ

## "Муносиб рағбат бўлса, қизиқиш ҳам кучаяди"

Жасурбек ТУРДИЕВ, Денов туманидаги "Боғим эрам" маҳалласи ёшлар етакчиси:

– 2022 йилда иш бошлаганман. Шу вақт мобайнида маҳалла ёшлари орасида бирорта жиноят қайд этилмади. "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасидаги танлов ва мусобақаларнинг вилоят босқичида доимий қатнашамиз. Аммо республика босқичига чиқа олмадик. Бунинг ўзига хос сабаби бор. Чунки спорт билан шуғулланиш учун шароит кўнгилдагидек эмас. Гарчи баскетболга ихтисослашган бўлсак-да, бу йўналишда

спорт майдони йўқ. Ташаббусим билан 50-мактаб ҳудудидаги бўш ерга ҳомийлик асосида спорт майдони қурапмиз. Шартномага кўра, соат 17-00 дан кейин маҳалла ёшлари шуғулланиши мумкин.

Таклифим – "Беш ташаббус олимпиадаси"га йигит-қизларни янада қизиқтириш учун муносиб рағбатлантирувчи мукофот таъсис этиш керак. Масалан, маҳалла босқичида ғолиб бўлганларга фахрий ёрликдан бошқа совға берилмайди. Шунингдек, маҳалла ёшларини китобхонликка жалб этиш учун кутубхона зарур.



## "Малака ошириш курси ташкил этилса..."



Музаффар АЗИМОВ, Жарқўрғон туманидаги "Боймоқли" маҳалласи ёшлар етакчиси:

– "Драйвер"имиз – чорвачилик ҳамда кишлоқ хўжалиги. Лекин ёшларнинг кўпи замонавий касбларга қизиқади. Шу сабабли ҳудудда ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилишини сўрашди. "Ўсиш нуқта"миз асосида кредит олишни хоҳловчилар кўп. Аммо негадир шу кунларда чорвачилик йўналишида маблағ ажратилмаяпти.

Бундан ташқари, маҳалла ин-

фратузилмаси мақтарли эмас. Бирорта спорт иншооти йўқ. Йигит-қизлар спорт билан шуғулланиш учун 8-9 км. узоқликдаги "Қораёғоч" маҳалласига қатнайди. Таклифим – давлат-хусусий шерикчилик асосида бўлса ҳам, спорт майдони қурилиши лозим.

Барча соҳада ҳодимларнинг малакасини ошириш тизими йўлга қўйилган. Шундан келиб чиқиб, ёшлар етакчилари учун малака ошириш курси ташкил этишни таклиф қиламан. Қолаверса, ҳудудлараро ўзаро тажриба алмашиш жорий этилса, бир-биримиздан иш ўрганадик.



Саноат корхоналари билан ишлаш бўйича “РЕСПУБЛИКА – ВИЛОЯТ – ТУМАН” тамойили асосида вертикал тизим жорий этилади.



Навоий вилоятида 1097,6 гектар майдонда ЯНГИ НАВОИЙ ШАҲАРЧАСИ қурилиши бошланди.



Сувдан фойдаланишга доир муносабатлар яхлит ҳуқуқий ҳужжатда бирлаштирилиб, СУВ КОДЕКСИ қабул қилинади.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

ИМТИЁЗ

# “КИЧИК КОРХОНА ЙИРИК ЭКСПОРТЧИГА АЙЛАНДИ”

Соҳада узоқ йиллар сайёр солиқ текширувида фаоллият юритгандим. “Маҳалла еттишти” ташкил этилгач, битта-иккига эмас, балки 23 та йўналишда ишлаяёмиз. Албатта, аввалга бироз кийинчилик бўлди, кейин барчаси пизга тушди.

**Жаҳонгир КАМОЛОВ,** Хонобод шаҳридаги “Кампиробод” ва “Мустақиллик” маҳаллалари солиқ инспектори.

Дастлаб маҳаллаларда қўшимча даромад манбаларини яратиб, маҳаллий бюджет тушуmlарини ошириш учун солиқ тўловчиларни хатловдан ўтказдим. Тадбиркорлик субъектлари ва хонадонларда бўлиб, солиқ тўловчилар билан яқиндан танишдим. “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида аҳоли ўртасида солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳамда солиқ ислохотларини тушунтирдик.

“Кампиробод” ва “Мустақиллик” маҳаллалари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига ихтисослашмоқда. Бу ерда йирик тўқимачилик корхонасидан тортиб, пайпоқ ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектигача бор. Шу сабаб, бизнесга қизиқувчи ёки тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаётган, ҳуқуқий ва ихтисодий қийинчиликларга дуч келаётган тадбиркорлик субъектларига маслаҳат ва кўмак бераймиз. Чунки улар маҳалла бюджетини шакллантирувчи асосий манбалардир.

“Маҳаллабай” ишлашимиз натижасида йил бошидаги 8 та тадбир-



корлик субъекти бугун 47 тага етди. Хозирда ҳудудда 8 та озиқ-овқат савдо дўкони, 15 та мехмон уйи ва 24 та дам олиш маскани бор. Ишсиз, тадбиркорликка қизиқиши бор фуқароларга Шаҳрихонсой ва Андижонсой оралиғидаги бўш турган ер майдонларидан ажратиб берилиб, 47 та дам олиш сўралири ташкил этилди. Натижада 17 та янги тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинди.

Хозир шу икки сой атрофида 20 гектарлик дам олиш маскани ку-

риляпти. Келгусида бу ерда сунъий кўл ва унинг атрофида кўнгилонар майдонлар ва дам олиш ҳудудлари ташкил этилади. Ўз навбатида, бир нечта тадбиркорлик субъектлари иш бошлайди. Демак, маҳаллий бюджетга тушумлар янада ортади.

“Корхонабай” ишлашимиз самарали натижа берапти. Масалан, йил бошида парранда ва чорва моллари учун ем ишлаб чиқарадиган қурилмалар тайёрлаётган кичик – “Igor tover” тадбиркорлик субъекти бугун йирик экспортчи

корхонага айланди. Хозир ушбу корхона турли ҳажмдаги ем ишлаб чиқарувчи ускуналарни мамлакатимиздан ташқари, Қозоғистон Республикасига экспорт қилмоқда.

“Маҳаллабай” ишлаш тизими биз, солиқчиларга ҳам яхши рағбат бўляпти. Авваллари солиқ турлари бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиш аҳоли туман(шаҳар)лар кесимида тахлил қилинган бўлса, янги тизим асосида маҳаллаларга бириктирилган ҳар бир ходим ўз ҳудуди бўйича белгиланган солиқ тушуmlари кўрсаткичи бажарилишини таъминлаш учун шахсан масъул этиб белгиланди. Агар мен “Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизими асосида 23 та мезон бўйича иш самарадорлигини 90 балдан оширсам, қўшимча рағбат пули оламан. Бундай рағбат ортидан жорий йилнинг январь-июль ойларида маҳаллий бюджетлар даромади бўлган мол-мулк солиғи тушуmlари 110 фоизга, ер солиғи 155 фоизга, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ 50 фоизга, айланмадан олиннадиган солиқ 41 фоизга ва жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи 200 фоизга ўсди. Утган ойда режада белгиланган 385 млн. сўми тўлиқ давлат бўлса, бу ой 440 млн. сўм давлат бюджетига тушум туширилиши белгиланган.

Албатта, яратилаётган барча имкониятлар замирида ағона ғоя мужассам: тадбиркор бой бўлса, давлат бой бўлади, аҳолининг турмуш фаровонлиги ортади. Шу боис келгусида ҳар икки маҳалла-мизда тадбиркорлик субъектлари, хусусан, йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар сонини кўпайтириб, “Маҳалла бюджет”ни оширишни режалаштирганмиз.

# Тадбиркорларга бир қатор қулайликлар яратилади

ресторан ва кафеларга фойда солиғи 2 қарра камайди

Кунн кеча Президентнинг Нукус шахрида тадбиркорлар билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда тадбиркорлар учун солиқ соҳасида бир қатор имконият ва қулайликлар эълон қилинди.



Эндиликда тадбиркор аукциондан ер сотиб олганда унга қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш бекор қилинади. Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида сотилган ер бўйича харид суммасини уч йилга, қолган ҳудудларда беш йилга, 4 ва 5-тоифа туманлар учун эса ўн йилгача бўлиб тўлашга рухсат берилади. Агар тадбиркор дарҳол тўлов қилман деса, 20 фоизгача чегирма берилади.

Шунингдек, йирик лойиҳаларда ер қийматини тадбиркор устав фондига давлат улуши сифатида киритиши мумкин бўлади. “Маҳалла бюджет”ни оширишни режалаштирганмиз.

Афсуски, “аукциондан сотиб олдим, энди мени мулким” деб, ерни қаровсиз ташлаб қўйган “уддабуронлар” ҳам кўп. Шу боис, янги ерларни ажратишда биноларни лойиҳалашдан объектни топиришгача бўлган муддатлар мажбурий кўрсатилади. Бу жараёнда қурилиш даврига ер солиғи бўйича 50 фоиз имтиёз берилади (вилоят марказларидан ташқари). Қурилишга рухсат олиш муддати давлат органи айби билан ўтказиб юборилса, қурилиш вақти шу муддатга узайтириб берилади. Муддатда бўлмаса, ер суд орқали қайтариб олинади ёки бошқа тадбиркорга сотилади.

Очиқ мулоқотда таъкидланганидек, қишлоқ ва ноқийш-лок жойларда ер фонди доирасида бир фаолиятдан бошқасига ўзгариш тартиби аниқ белгиланмаган. Масалан, боғ ўрнида иссиқхона қилман, деган тадбиркор ишни нимадан бошлашни, кимга мурожаат қилишни билмайди. Ёки, тадбиркор ўз боғида томчилик суюриш учун ҳовуз, кичик сийғили саралаш ва сақлаш омборини қура олмайди. Шу боис, ҳар бир ер участкаси учун асосий фаолият турини қайсиларига алмаштириш мумкинлиги, қандай ёрдамчи иншоотларни жойлаштири олиши аниқ белгилаб берилади. Бунинг учун, 1 январдан ер участкалари ва капитал қурилиш объектларининг ягона классификатори жорий этилади.

Булардан ташқари, чорвачилик, балкичилик, асаларичилик, пиллачилик соҳалари, мева-сабзавотни қайта ишловчиларга улар жойлашган бино-иншоотлар остидаги ерлар учун саноат тоифаси ставкасида ер солиғи ҳисобланапти. Классификаторни жорий қилиш орқали улар ҳам қишлоқ хўжалиги ерлари каби солиқ тўлашга ўтади.

Импорт ўрнини босадиган ва экспортбо маҳсулотларни қўпайтириш учун замонавий технологиялар зарур. Бундай асбоб-ускуналарга бюртма бериб, олиб келишга кўп вақт кетади. Лекин шартнома муддатидан қатъи назар, сотиб олинган ускуна 180 кунда етиб келмаса, муддати ўтган дебитор қарздорлик юзага келади. Тадбиркорлар ускуна келмагунча бошқа импорт шартномаларига тўловни амалга ошира олмайди, олдндан тўловсиз экспорт қилиши мумкин эмас, давлат томонидан белгиланган имтиёз ва субсидиялардан фойдаланиши чекланган. Шу муносабат билан эндиликда четдан ускуна ва бутловчи қисм олиб келишда шартнома муддати бузилмаса, муддати ўтган қарздорлик бўлмаслиги белгиланди.

Хозирда солиқ ва боғжонани ахборот тизимлари бир-бирига уланган бўлса-да, экспортни тасдиқлайдиган ҳужжат талаб этиляпти. Бундан буён боғжона органининг экспортни тасдиқловчи электрон маълумоти ҚҚСни қайтариш учун асос бўлади, бошқа ортиқча ҳужжатлар талаб этилмайди.

Яна бир масала — ҳозир тадбиркорлар электрон ҳисоб-фактура ва товар-транспорт юк хатини алоҳида 2 та ҳужжат сифатида расмийлаштирмоқда. Тадбиркор юк хатига 49 та маълумотни мажбурий киритиши керак. Энди бу ҳужжатлар ағона шаклга келтирилади ва фақат 4 та маълумот киритишни ўзи етарли бўлади.

Хизматларда улуши энг катта соҳалардан бири, бу — умумий овқатланиш ва меҳмонхона хизматлари. Уларнинг энг катта муаммоси ҚҚС ва ишчилар ҳисобини юритиш. Шу боис 1 январдан умумий овқатланиш корхоналарига ҚҚСнинг бир қисми тадбиркорга “кешбек” сифатида қайтариб берилади. Бу жараёнда ойлик айланмасининг 60 фоизини нақд пулсиз амалга оширган корхоналарга ҚҚСнинг 40 фоизи тўланган заҳоти қайтарилади. Агар нақд пулсиз айланма 60 фоиздан кам бўлса, “кешбек” 20 фоиз бўлади.

ҚҚС тўлашга ўтган ресторо ва кафеларга фойда солиғи 2 қарра камайди. 1 декабрдан бу корхоналар нақд пулга сотиб олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилишда ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди. Уларга баҳор ва ёз мавсумида уларига туташ майдонларда стол-стул ва соябон кўйиб ишлашга рухсат берилади. Ресторан ва кафелар ишчилар билан қисқа муддатли, соддалашган меҳнат шартномасини тузиши мумкин бўлади.

Ҳудди шу каби 1 октябрдан меҳмонхона ва туроператорларга ҳам тўланган ҚҚСнинг 20 фоизи “кешбек” қилиб берилади.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

# Ер солиғи қайта ҳисоб-китоб қилинади

Юртимизда ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, уй-жой, қўшимча иморатлар қурган юртдошларимиз кўп. Бу борада “ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

**Сухроб ЗИЁДУЛЛАЕВ,** Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Эндиликда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотлар белгиланган талабларга мослиги электрон йиғмажилд асосида ваколатли ташкилотлар томонидан икки ой муддатда ўрганиб чиқилади. Агар ер ва мол-мулк солиқларидан қарздорлик мавжуд бўлса, 2 ой муддатда бартараф этилиши лозим. Бу ҳақдаги хабарнома қарздорнинг яшаш манзилига ёзма шаклда ҳамда унинг телефон рақамига “SMS”-хабар тарзида юборилади. Бу жараёнда ваколатли ташкилотлар ўрганиш учун белгиланган 2 ойлик муддатни тўхтатиб туради.

Тўлиқ шакллантирилган электрон йиғмажилд маълумотлари — маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари эълонлар бурчагида ҳамда Кадастр агентлигининг расмий веб-сайти ва бошқа ахборот манбалари орқали жамоатчиликка эълон қилинади.

Ер участкаларига ҳуқуқларни эътироф этиш Адлия вазирлиги томонидан мақсадга мувофиқ деб топилган тақдирда, тегишли шахсларнинг телефон рақамига 20 иш кунчида бир марталик тўловни тўлаш тўғрисида

хабарнома юборилади. Тўлов белгиланган муддатларда тўланмаса, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисидаги иш тўхтатилади. Тўлов амалга оширилгандан сўнг электрон йиғмажилд 3 ой ичда Халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида муҳокама қилинади.

Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бино ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги қарорлар расмий эълон қилингандан кейин кучга киради. Ҳуқуқ белгиллаш жараёни тугагандан сўнг, фуқаролар кадастр органларига ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат қилади. Ҳуқуқлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгач, янгиланган маълумотлар давлат солиқ органларига реал вақт режимида электрон шаклда тақдим этилади.

Жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк ва ер солиқлари кадастр маълумотлари асосида қайта ҳисоб-китоб қилинади. Бу жараёнда солиқ органлари ҳуқуқ белгиллаш қарори қабул қилинган кундан бошлаб, маъзур ер участкаларига Солиқ кодексига белгиланган тартиб асосида ҳамда маҳаллаларга белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ер солиғини (бир қарра) ҳисоблайди.



# 1 сентябргача имконият берилди

Хабарингиз бор, жорий йил 1 апрелдан йирик солиқ тўловчилар, 1 шолдан барча хўжалик субъектлари учун электрон товар-транспорт юк хатларини электрон шаклда расмийлаштириш тизимини жорий этилган эди. Бу тизим тадбиркорлик субъектлари таклифларидан келиб чиқиб, янада оптимизациялаштирилмоқда.

**Умид НАСРИДИНОВ,** Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Хусусан, Солиқ қўмитаси томонидан кўп сонли солиқ тўловчиларнинг

муружаатлари инобатга олиниб, апрел-август ойларида расмийлаштирилиши лозим бўлган электрон товар-транспорт юк хатларини жорий йилнинг 1 сентябргача расмийлаштириш имконияти яратилди. Бундан аввал, йирик солиқ тўловчиларнинг муружаатларига асосан, ўтган ойлари учун икки марта — 1 июн гача ва 1 августгача электрон товар-транспорт юк хатларини расмийлаштириш имконияти тақдим этилган эди.

Ҳурматли солиқ тўловчилар, Сизлардан ўтган даврда расмийлаштирилмасдан қолган электрон товар-транспорт юк хатларини берилган муддатда тўлиқ расмийлаштириш чораларини кўришингиз сўралади.

Қувонарлиси, Президент Нукус шаҳрида тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқотида бу



масалага алоҳида эътибор қаратди. Энди бу ҳужжатлар — электрон ҳисоб-фактура ва товар-транспорт

юк хати ягона шаклга келтирилади ва фақат 4 та маълумот киритишининг ўзи етарли бўлади.



Ўзбекистон аэропортларида маймунчечак касаллиги туфайли НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛДИ.



Ўзбекистонда ўтган олти ой бўйича кўрсатилган ХИЗМАТЛАР ҲАЖМИ 268,1 триллион сўмни ташкил этди.



1 ноябрга қадар аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий хавф солувчи МЕЗОНЛАР РЕЕСТРИ ишлаб чиқилади.

# ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ФИРИБГАР

СУД ҲУКМИ

Ўқимаганини “Ўқимаганда...” дейсану шу билан ортқича гапга ҳоҳат қолмайди. Аммо ўқиган, оқ қорани таниган, олий маълумотли йшнинг қилмишларини қандай аташ мумкин?

**Нилуфар ИСОХОНОВА,**  
Тошкент шаҳар ИИББ  
Ахборот хизмати бошлиғи.

Суд томонидан унинг қилмишларига қонуний баҳо берилди. Келинг, сиз ҳам унинг қилмишлари билан танишиб, ўзингиз ҳулоса қилинг.

Бунёд 2021 йилда нуфузли олийгоҳни битириб, маош камигини баҳона қилиб ишга қирмади. Ўз касбини юқори маошга лойиқ деб табабурлик қилар, аммо юқори маошли ишларга тажрибаси йўқлиги сабабли қабул қилинмасди. Шу афзода нима иш қилишини билмай, қандай пул топиш кераклиги ҳақидаги саволлар миясиди ғужғон ўйнаётган маҳалда таниши кўнгирак қилиб қолди. Бунёдни ўқиган, таниш-билиши куп, жилла курса тўғри, оқилона маслаҳат беради, деган ниятда:

— Бунёд, қизим кўшни республика университетиди тахсил олади. Ўзинга маълум ҳали “ковид” деган савил тугагани йўқ. Онлайн ўқишга ўтган. Бу ёғи бориб-келиш харажатлари. Қизимизга бирон нарса бўлса нима қиламиз. Биз бу ерда, қизимиз у ерда... Ўқишини Тошкентга кўчиришини иложи борми? Шунга ёрдан берсанг. Хар ҳолда йўл-йўригини биласан.

Дабдурстдан, етти ухлал тушига қирмаган бу таклиф ҳақида Бунёд нима дейишини билмай қаловлангани, нариги томондаги овоз буни ўзича тушуниб:

— Харажатидан қочмайман. Фақат иш битса бўлгани, — дея пулга шаъма қилди ва Бунёднинг ичиди нимадир жонлангандек бўлди.

Миясиди “ялт” этган учкун гна “йўқ, бу иш ҳақида тушунчага ҳам эга эмасман, менинг қўлимдан

қелмайди”, деб жавоб қайтаришига тўққинлик қилди. У режасини пишиштиб олиш ниятида танишига сўраб-суриштириб кўришини айтиб, умидвор қилди.

Иш бор-йўғи ўқишни Қозоғистондаги университетдан Тошкент давлат педагогика университетига кўчириш. У бу иш қандай бажарилиши ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмади туриб, ўз хизматини 7 000 000 сўмга нархлади. 2021 йилнинг 26 декабрида 6 000 000 сўм, 2022 йилнинг 31 мартини 1 000 000 сўм пулни қўлга қиритди. Аммо ўқув даргоҳининг кўчасига кириб ҳам чиқмади. Ўз Ватанида ўқишидан хурсанд бўлган қиз курсдоши — ўзбекистонлик Жўрабекка тўққинликни гапирганида, у ҳам бу ҳақда анчадан бери ўйлаб юрганни айтиб, қиздан йўл-йўригини суриштирди. Қиз Бунёднинг телефон рақамини берди. Бунёд 2022 йилнинг январь ойи охирида “Холис хизматлари” учун Жўрабекдан 7 500 000 сўм олди. “Холис хизмат” ҳақидаги гаплар Татаристон Республикасидаги университетда

ўқиб, Ўзбекистондаги муқобил олийгоҳлардан бирига ўтказиш ниятида юрган Нурбекнинг ҳам қўлоғига етди. Унинг ўқиши “нуфузли” бўлгани учун хизмат ҳақи 39 000 000 сўмга баҳоланди. Ҳа, ўқитувчи қаёқда иқтисодчи қаёқда.

Талабаларнинг кўнғирокларига “ана бўлар, мана бўлар”, деб вақтини чўзгани билан олийгоҳлар ўзгариб қолмади. Ваъда қилинган олийгоҳларда ўз исм-шарифларини кўрмаган, олийгоҳ маъмуриятларидан бундай талабалардан аризалар тушмаганлиги ҳақида сўраб-суриштириб, чўз тушганини англаган талабалар ички ишлар идораларига мурожаат қилишди.

— Бунёд ўша вақтда *Юрт-бошимизнинг хорижда ўқитган талабаларнинг Ўзбекистон олийгоҳларида ўтказиши ҳақидаги қарорига қўра, мижозлари тўғридан-тўғри республикамизнинг муқобил олийгоҳларига ўтишига ишонган, — дейди Чилонзор тумани ИИО ФМБ хузуридаги тергов бўлими терговчиси, майор Рустам Жениев.* — *Лекин бундай бўлмади.*



Ахир улар ариза билан мурожаат қилмаганларда. Аслида талабаларнинг ўзлари олийгоҳ маъмуриятига учрашиб, ариза бериб, тегишли ҳужжатларни тақдим этишганларида муаммолари қонуни ҳал қилинган бўларди.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди Бунёдни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “Б” банди (“Фирибгарлик”) билан айбли деб

топти. Айбланувчи етказган зарар ихтиёрий равишда тўлиқ қоплангани, жабрланувчиларнинг унга моддий даъвоси йўқлиги, айбига тўлиқ иқроқлиги ва қилмишдан пушаймонлигини, илгари судланганлигини инобатга олиб, суд Бунёдни иш ҳақининг 10 фоизини давлат қорамоди ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузайтиш ишлари жазосига ҳукм қилди.

## “Маҳалланинг “қулф-қалити” янада мустаҳкам бўлади”



“Хуррият” маҳалласи Богот тумани марказида жойлашган. Бу ерда турли давлат таъшилотлари, туман марказий деҳқон бозори, мактаб, боғча, сув спорт саройи, спорт мажмуаси, мусика ва санъат мактаби, тўйхона ва ўйлаб савдо дўқонлари мавжуд. Шу боис шаҳарнинг энг гавжум масканлари дан бири.

**Азамат САИДОВ,**  
Богот туманидаги  
“Хуррият” маҳалласи  
профилактика инспектори.

Ўз навбатида, бундай худудларда ҳуқуқ-бузарлик ва жиноятлар содир этилиши эҳтимолий юқори бўлади. Уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида бартараф этиш учун маҳалланинг турли худудларига 200 га яқин видеокузатув қурилмалари ўрнатилган. Хар ҳафтанинг чоршанба ва ақшанба кунлари катта бозор бўлишини ҳисобга олган ҳолда қўшим-

ча қучлар — миллий гвардия ва патруль-пост ходимлари жалб этилмоқда.

Жиноятчилиқни “маҳаллабай” жиловлаш, аҳолининг кунлик ижтимоий-маиший муаммоларини “хондонбай” ва “фуқаробай” ҳал этиш бўйича кўчабошилари ва “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ишлашимиз яхши самара берапти. Маҳалла “ашиш” тоифада бўлиб, бирорта низоли, нотинч оила, ажраллишлар йўқ.

Хабарингиз бор, маҳаллалар содир этилган жиноятларга қараб, “қизил”, “сарик”, “яшил” тоифаларга

ажратилади. Шу боис барча саъй-ҳаракат ва эътиборимизни маҳалла жиноятдан холи худудга айлантиришга қаратаямиз. Яқинда Худудимизда ҳаракатланаётган шубҳали фуқарони тўхатиб, холисран иштирокда текширганимда ёнидан гижёванд моддаси борлиги аниқланди. Шунингдек,

“Турмуш ойлиги” доирасида “маҳалла еттилиги” билан биргаликда хар бир оила билан мулоқот қилиниб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммолари ўрганилди ва ҳал этиш чоралари кўрилди. Бугунги кунда фирибгарлик ва ўғриликларнинг олдини олиш мақсадида “Хавфсиз худуд ва мулкчи турдаги жиноятларга қарши курашиш ойлиги”ни ўтказаямиз. Ойлик доирасида фуқаролар ўртасида, аниққаса, аҳоли гавжум жойларда тушунтириш тарбиотлари

олиб бориляпти. Жиноятчиликнинг асл илдизи кўп ҳолларда бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ёшларни ўзи қизикқан бирор касб-хунар, спорт ёки санъат билан шуғулланишини таъминляямиз. Бу борада имкониятлар етарли. Худудимизда ёшларнинг турли спорт машғулоти билан шуғулланиши учун битта хусусий спорт мажмуаси фаолият юритмоқда. Шунингдек, сув спорт саройи, мусика ва санъат мактаби бор. 92-ихтисослаштирилган мактаб вилоятда намунали. Шу боис ўқувчилар ўртасида турли ҳуқуқбузарлик ёки сабабсиз дарсга бормаслик ҳолатлари кузатилмаган. Ёшлар етакчиси билан биргаликда турли спорт мусобақалари, танлов ва маданий тадбирлар ташкиллаштириб бораляпти.


Яна бир муҳим вазифамиз, фуқароларни чет элда ишлашга тартибли ва хавфсиз жўнатиш, юртимизга қайтганларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашишидир. Бугунги кунда 252 нафар фуқаро хорижга ишлашга кетган. Жорий йилда уларнинг 52 нафари

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

ЖАРАЁН

## Пробация назоратидаги 53 144 нафар шахс ҳисобдан чиқарилди

Пчки ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Пробация хизмати фаолиятининг самарадорлигини ошириш, назорат остидаги шахсларнинг ижтимоий-маиший ҳамда бандлигини таъминлаш, улар томонидан қайта жиноят содир этиши ҳолатларининг барвақт олдини олишга қаратилган бир катор профилактиктика тадбирларини амалга оширмоқда.



**Музафа СУЛТОНОВА,**  
ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти  
Ахборот хизмати раҳбари.

Хусусан, жорий йилнинг 23 июлдан 23 августига қадар республикамиз миқёсида “Пробация ойлиги” эълон қилиниб, пробация назорати остидаги шахсларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳаётга мослашуви борасидаги тадбирларни қучайтириш, мавжуд муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда турмуш даражасини яхшилаш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилнинг 1 август ҳолатига қўра, пробация бўлимининг назорат остида жами 85 709 нафар шахс ҳисобга олинган. Назоратдаги шахслар тузалиш йўлига ўтган, жиноят содир этишга мойил ҳамда жиноят содир этиш хавфи юқори каби тоифаларга ажратилиб, улар томонидан қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш мақсадида, 64 667 нафарининг ижтимоий психологик портрети тузилган ва тарбиявий-профилактик таъсир чоралари кўрилган.

Жорий йилнинг ўтган 7 ой якуни бўйича пробация бўлимлари кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда назоратдаги шахслар ўртасида ўтказилган профилактик ишлар натижасида назорат остидаги 53 144 нафар шахс ҳисобдан чиқарилди. Жазо ўташдан бўйин товлаб, яшириниб юрганлиги сабабли қидирув эълон қилинган 422 нафар шахс ушланиб, тегишли тартибда жазони ижро этиш муассасаларига қайтарилди. Жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузиб, жазо ўташдан қасдан бўйин товлаб келётган 4 315 нафар назоратдаги шахсининг қолган жазо муддати жазонинг бошқа турига алмаштирилди.

Эндиликда “Пробация тўғрисида”ги қонун билан пробацияни амалга ошириш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинади. Назоратдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш, табақалаштириш ва индивидуал ёндашиш ҳамда ошқоралик каби қоидалар қонуннинг асоси этиб белгиланган.

Янги қонун билан пробацияни амалга ошириш соҳасидаги муносабатлар тартибга солиниб, пробация тизимидаги асосий тушунчалар қонуний асосида мустаҳкамланди. Ҳуқуқат, маҳаллий ижро этуви ҳокимият органлари ҳамда ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаментининг ваколатлари аниқ белгиланди.

Ҳозирги кунда фирибгарларнинг интернет тармоғидан сохта телефон рақамлари орқали фуқароларга кўнғирок қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Ҳатто Марказий банк ходими сифатида ўзини таништириб, фуқароларнинг ишончига киритишга уринмоқда.

Марказий Банк ахборот хизмати.

Бундан ташқари, фирибгарлар “Telegram” мессенжериди Марказий банк номидан очилган “O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki” (cb\_uzbek) сохта қўллаб-қувватлаш чатга қўшиб, фуқароларнинг банк карталарига оид маълумотларини кўлга қиритиш орқали банк картасидаги пул маблағларини ўзлаштирмоқда.

Марказий банк бу каби хабарлар ва ақсунтларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳеч қандай алоқаси йўқлигини маълум қилади.

## Диққат фейк, фирибгарлардан огоҳ бўлинг!

ОГОҲ БЎЛИНГ!



Фуқаролар учун куйидаги маълумотлар эслатиб ўтилади:

— Марказий банк жисмоний шахсларга кредитлар ажратмаслигини ва молиявий хизматлар кўрсатиш билан шуғулланмаслигини ёнда тутинг.

— Фуқаролардан ушбу хабарларга эътибор қаратмаслик ва банк карталари маълумотларини учинчи шахсларга бермаслик, ҳеч қандай ҳаволага қирмаслик сўралади.

— Ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш жараёнида регуляторнинг тармоқлардаги верификацияланган саҳифаларидан фойдаланиш тавсия этилади.



Тест синовлари натижаси бўйича АПЕЛЛЯЦИЯ шикоятларини кўриб чиқиш 22 августдан бошланади.



Фарғона туманида қуввати 200 мегаватт бўлган КУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ қурилади.



Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида ИМТИЁЗЛИ САВДО КЕЛИШУВИ ишга тушади.

ИЖТИМОЙ ХОДИМ

ЖАРАЁН

# Келажакка ишонч, яхши кунга умид билан...

Нигора Ҳаққулова 1-гурух ногирони бўлишига қарамай, доим изланишда. Вақтини самарали ўтказиш учун 2-3 йилдан буён тикувчилик билан шугулланиб келмоқда. Маҳалла ходимлари унинг ҳаракатлари ва қизиқишини инобатга олган ҳолда субсидия асосида тикув машинасига эга бўлишига кўмаклашди.

**Нафиса ПЎЛТОВА,** Жиззах шаҳридаги "Халқобод" ва "Олмазор" маҳаллалари ижтимоий ходими.

А йни вақтда уйда буюртма асосида бежирим кийимлар тикиб сотаяпти. Бундан ташқари, ҳудудимизда жойлашган корхонада севили машғулотида давом эттиряпти. Ҳаракатланишга қийналгани боис электрон юритмали аравача олишида ёрдам бермоқчимиз. Бу Нигоранинг келгуси ютуқларига замин бўлишига ишончимиз комил.

Нигора Қосимова имконияти чекланган бўлса-да, мунчоқлардан турли тақинчоқ ва безаклар тўқишни жуда яхши кўради. Тайёрлаган ижод намуналарини пуллаб, даромад топишни ҳам бошлаган.

Хонадонларга кириб, ногиронлиги бўлган фуқаролар билан суҳбатлашиш жараёнида уларнинг қизиқиш-



ларини ўрганишга ҳаракат қиламан. Бирор йўналишда фаолият юритиши учун қанча ёрдам керак бўлса кўрсатиб келяпмиз.

Кузатувларимга асосланиб айтишим мумкинки, қўлида хунари бўлган, умрини фойдали ишга бағишлаган кишилар кўзида келажакка ишонч, яхши кунларга умид яққол сезилиб туради. Баъзилари ногиронлигини унутиб юборган. Муҳими, у хоҳлаган ишини қила оляпти. Инсон-

ларга наф келтиряпти.

Шу маънода тушкунликка тушиб, уйда сиқилиб ўтирган имконияти чекланган кишиларни янгидан-янги соҳаларга йўналтиришни, қалбини уйғотишни истаётман.

Баъзан идорамизга тўрт мучаси соғ эраклар моддий ёрдам сўраб келганини сира қабул қилолмайман. Уларга юрломайдиган, кўриш, эшитишда нуқсонли бўлишига қарамай, тиришиб-тирмашиб ҳаракат қилаётган инсонларни ибрат қилиб кўрсатгим келади.

Бизнинг имкониятларимиз аслида жисмоний жиҳатдан кўра, руҳий тегилигимиз билан боғлиқ. Одам шундай яралган, олдига мақсад қўйишни билса, унга эришиш учун астойдил ҳаракат қилса, ҳеч қандай тўсиқ ғов бўлолмайди.

Фаолиятим давомиди 7 та кейс очиб, фуқароларнинг турли муаммоларига ечим топдик. Хусусан, Насиба Жуманазарованинг 6 ёшли фарзанди тўғма ногиронлиги учун анча вақтдан буён унинг парвариши билан банд. Аёлнинг жамиятдаги фаол иштирокини таъминлаш мақсадида қизини махсус боғчага жойлаштиришда кўмак кўрсатилди. Ўзи ҳам шу таълим муассасасида фаолият бошлади. Шу билан бирга олийгоҳда таҳсил оляпти. Болага махсус арава ва ортопед-

дик пойабзал берилди.

2 ёшли болага онаси хорижда ишлашга кетгани боис бувисини расман васий этиб тайинладик. Яна 2 нафар 14 ва 16 ёшли вояга етмаган шахсларга холасини васий қилиб белгилаш ишлари давом этмоқда.

Ҳудудимизда истиқомат қиладиган 2-гурух ногирони бўлган фуқаро 6 ойдан буён оғир хасталикдан азият чекиб келмоқда. Хорижда амалга оширилган жаррохлик амалиёти қўтилган натижани бермади. Шу боис турмуш ўртоғи доимий унинг парвариши билан банд. Урганишлардан кейин аёлни эрига қаровчи сифатида бириктирдик. Энди унга расман меҳнат стажни ёзиладиган бўлди. Беморга берилган аравача эса унинг ҳаракатланиш имкониятини оширди. Оиланинг иқтисодий имкониятини ҳисобга олиб, "Саховат ва кўмак" жамғармасидан 4 нафар фарзандига мактаб кийими ва ўқув қуроллари олиши учун маблағ ажратиладиган бўлди.

Бугун маҳаллалардаги ҳар бир ижтимоий ходимнинг мақсади битта: ҳеч кимни этибордан четда қолдирмаслик. Кимга қандай ёрдам кераклигини аввалдан ҳис қилиш ҳамда тез ва сифатли хизмат кўрсатиш. Бу йўлда қилаётган меҳнатимиз кун сайин ўз натижасини кўрсатмоқда.

## ОИЛАСИНИНГ БАҒРИДА, МЕҲРНИНГ ОҒУШИДА

Ҳар бир бола ўз уюнда, ота-онаси бағрида ўсиб-ўйнайишига, уларнинг меҳрини ҳис қилиб яшайишига ҳақли.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.

Шу маънода Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тасарруфида бўлган болалар уйларида тарбияланаётган болаларни ўз оиласига қайтариш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чимбойлик К.С. ушбу муассасадан бир нафар фарзандни васийликка олган бўлса, Таҳиётшлик Ж.А. бундан 3 йил олдин қийин вазиятда (чорасизликдан) қолгани учун Меҳрибонлик уйда қолдирган боласини олиб кетди. Бу гўдақлар энди яқинлари бағрида, меҳрга тўйиб камол топадиган бўлди.

Қайтарилган болаларнинг 1 нафарига ногиронлиги бўлгани боис ижтимоий-реабилитация ёрдами ташкил қилиш масаласи инобатга олинган.



"Инсон" ижтимоий хизматлар маркази болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш шўьбалари, ижтимоий ходимлар ҳамда Болалар уйи мутахассисларининг биргаликда олиб борган саъй-ҳаракатлари натижасида ва "Кейс-менежмент" амалиётини қўллаган ҳолда ҳар бир оила билан индивидуал ёндашув орқали иш олиб борди.

Оилаларни қўллаб-қувватлаш ва мустақамлаш бўйича ишлар давом эттирилади. "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази, ижтимоий ходимлар оилаларга болаларни ривожлантириш бўйича ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиб, мониторинг олиб боради.



## ЭНГ ЯҚИН КЎМАКЧИ, ИШОНЧЛИ ВАКИЛ

Қоракўл тумани "Тинчлик" ва "Тайқир" маҳаллалари ижтимоий ходими Муҳаббат Отажоновна фаолиятининг илк кунларидан оқ эҳтиёжман аҳоли қатламнинг яхши кўмакчиси, ишончли вакили бўлишига ҳаракат қилиб келмоқда.

**Саломат КАМОЛОВА,** Қоракўл тумани "Инсон" ижтимоий хизматлари маркази директори.

Худудда 135 нафар ногиронлиги бўлган ва оғир касалликка чалинган шахслар истиқомат қилади. Уларнинг 9 нафарини 1-гурух, 102 нафарини 2-гурух, 6 нафарини 3-гурух ногиронлиги бўлган шахс ташкил этади. Шунингдек, 18 нафар ногиронлиги бўлган болалар бор.

Ҳайбулло Курбонов ҳозирда 65 ёшни қаршилаган бўлиб, нафақага қадар оёқ кийим ишлаб чиқариш корхонасида ишлаган. Турмуш ўртоғи 10 йил олдин вафот этган Ҳайбулло аканинг 2 нафар фарзанди узок худудда истиқомат қилади. Муҳаббат Отажонованинг саъй-ҳаракатлари билан Ҳайбулло акага ижтимоий ходим ассистенти бириктирилган ҳамда электрон юритмали аравача берилган.

Сўнги уч ой ичида 23 нафар ногиронлиги бўлган шахсларга протез-ортопедик мосламалар ва реабилитация қилишнинг техник воситалари етказиб берилган бўлиб, уларнинг 2 таси электрон юритмали аравачалардир.

Шунингдек, "Тинчлик" маҳалласида ота-она қаровисиз қолган 10 нафар боланинг 4 нафари васийликка, 6 нафари эса ҳомийликка берилган. 2 нафар болажонлар уйда таълим олади.

Муҳаббат фаолиятини бошлаган кундан буён 62 та оиладаги ижтимоий вазиятни ўрганди. Маҳалла ҳудуди сановатлашгани ва бу ерда ишлаб чиқариш ва давлат муассасалари жойлашганини инобатга олиб, аҳолининг бандлигини таъминлаш орқали кам таъминланган оилалар сонини қисқартиришни олдига асосий мақсад қилиб қўйди.

Қоракўлик Шозода опа Аллобердиева узок йиллар туман алоқа бўлимида иш-



"Тинчлик" маҳалласида ота-она қаровисиз қолган 10 нафар боланинг 4 нафари васийликка, 6 нафари эса ҳомийликка берилган. 2 нафар болажонлар уйда таълим олади.

ган. Турмуш ўртоғи вафот этган, 2 нафар ўғли чет давлатда истиқомат қилади. Ўтган вақт мобайнида Шозода опа жуда оғир вазиятга тушиб қолган эди. Унинг яққа-ёлғиз, нотурар жойда яшаб келаятигани аниқланган, тумандаги ижтимоий уйдан хона

ажратилди. Ижтимоий ходим ташаббусига кўра, аёлга ижтимоий ходим ассистенти Нигора Бобоева бириктирилди. Шу билан бирга доимий равишда бепул дори-дармон, озиқ-овқат воситалари билан ҳам таъминлаб келинмоқда. Ёрдамга муҳтож инсонга

кўрсатилган кўмак унинг ҳаётга қарашини ўзгартирди. Эзгу ишлар қилишга, ўз устида ишлашга ундайди. Агар бир кишининг бўлса-да, кайфиятини кўтаришга эриша оласак, бу жамият ривожига қўшган катта ҳиссамиз бўлади.

КЎМАК

## БОЛАЛАР "КЎЧА"ДА ҚОЛМАСИН...

Жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра, Россия Федерацияси ҳудудда турли сабабларга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 20 нафар бола аниқланиб, уларни Ўзбекистонга қайтариш бўйича зарур чоралар олиб борилляпти.

2024 йил 15 август кунини 8 нафар хорижда ота-она қарамоғисиз қийин ҳаётини вази-яга тушиб қолган Ўзбекистонлик болалар ватанга қайтарилди. Болаларнинг 3 нафари ота-онанинг қарамоғига берилган бўлса, қолган 5 нафарини Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ўз оиласига қайтариш бўйича керакли ишларни амалга оширмоқда.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида хорижда ота-она қарамоғисиз қолган 50 нафар бола Ўзбекистонга қайтарилиб, уларга "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари бир қатор ижтимоий хизматлар, жумладан, болаларнинг ўзлари ва уларнинг оила аъзоларига психологик ва ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатиб келмоқда.





Бутунжаҳон бокс иттифоқи ЯНГИЛАГАН РЕЙТИНГДА мамлакатимизнинг 10 нафар чарм кўлқоп устаси ўрин олди.



“Titled Tuesday” онлайн турнирида ОЛМОС РАҲМАТУЛЛАЕВ Халқаро шахмат рейтинги етакчиси, собиқ жаҳон чемпиони Магнус Карлсенни мағлуб этди.



МУАЙТАЙ БЎЙИЧА I Турк давлатлари ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон 6 та олтин, 10 та кумуш, 13 та бронза медалини кўлга киритди.

МАНЗАРА

ЯНГИЛИК

# Юрагида шижоати бор аёллар

Максудахон Тожибоева 2023 йилда яшаш шарафли оғирлиги сабаб “Аёллар дафтари”га киритилган эди. У билан суҳбатлашганимизда, ўз устида шиламоқчи экани, касб-хунар ўрганиб, даромад топиши нисбага борлигини билдирди. Аёлни қўллаб-қувватлаш мақсадида суғуни гуллар ясаш ва тадбиркорликни ривожлантириш йўналишларида бепул тахсил олганига имкон яратиб берилди.

Сайёраҳон АДҲАМОВА, Марҳамат туманидаги “Ровот” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

янги хунар ўрганипти. Уйига борсангиз, она-бола қўли-қўлига тегмай меҳнат қилаётган бўлади. Бир-бирдан чиройли ва ранг-баранг гулларга қараб тўймайсиз. Маҳалламизда Максудахон опага ўхшаган тиришқоқ ва интилувчан аёллар жуда кўп. Улар кўрсатилаётган ҳар бир кўмакдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишади. Шундай инсонларни кўрганда, юракда шижоат бўлса, барча қийинчиликларни энгиб ўтиш мумкинлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламан. Шоҳида Содикова ҳам ўзига ишонган ва дадил тадбиркорларимиздан. Маҳалламизга Қувадан келин бўлиб



тушган. Ота уйда гул ва манзарали дарахт кўчатлари етиштириш билан шуғуллангани боис идорамизга шу йўналишдаги фаолиятини давом эттиришда ёрдам сўраб келди. Унга субсидия асосида 1,5 сотихли иссиқхона қуриб берилди. Ховлисини кўрсангиз, гулзорга кириб қолдим деб ўйлайсиз. Кун бўйи уларни тагини юмшатади, ўғитиб, суғоради. Меҳр билан парвариш қилинган кўчатлари жуда харидорғир. Йил бошида ўтказилган хатлов натижасида “Аёллар

дафтари”га 91 нафар ишсиз хотин-қизларни киритган эдик. “Маҳалла еттилиги” билан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ барчаси ишли бўлди. Кўпчилиги томорқадан унумли фойдаланиб, ўзини ўзи банд қилди. Мунаввар Эрматова анчадан буён балиқчилик билан шуғулланиб келарди. Фаолиятини кенгайтириш мақсадида 3 сотихли томорқасида ҳовуз қурди. Айни вақтда барча шароитларини яхшилаб,

астойдил меҳнат қилапти. Сентябрь ойдан балиқларни сотишни бошлади. Тадбиркорларнинг ўзи келиб уйдан олиб кетади. Маҳалламиз аёлларининг эришаётган ҳар бир ютуғидан хурсанд бўламан. Кундан-кунга янгидан-янги соҳаларда иш бошлаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат бағишлапти. Зеро, аёлларнинг фаоллиги маҳалламиз ҳамда жамият равнақида муҳим аҳамият касб этади.



## Вилоятлараро ТАЖРИБАЛАР АЛМАШИЛСА...

Бугунги кунда аёлларнинг ижтимоий фаоллиги оширилди. Улар бир вақтнинг ўзида оилادا меҳрибон она, севимли рафиқа сифатида, жамиятда матонатли аёл сифатида гавдалана олади. Ана шундай руҳияти баланд аёлларнинг турмуши ҳам донмо хавас қилувчи бўлади. Маҳалламизда 2024 йил давомида бирорта ажраллиш ҳолати кузатилмаганини айнан аёлларнинг фаоллиги, фидойилиги билан боғлаган бўлардим.



Нодира ИСМОИЛОВА, Шаҳрисабз туманидаги Амир Темур номидаги маҳалла хотин-қизлар фаоли.

Шундай бўлса-да, ажралиш ёқасида турган 5 та оилاداги низо маҳалла фаоллари, “Аёллар маслаҳат кенгаши” билан биргаликда бартараф этилди. Қолаверса, 4 нафар аёлга субсидия ажратилди, улар ҳозирда ўзини ўзи банд қилган. Тикувчиликни эплай оладиган хотин-қизларни тикиш машиналари билан таъминладик. Энди улар ўз уйда туриб, маҳалладаги хотин-қизлар учун турли бежирим кўйлақлар тикиб, кундалик эҳтиёжини қоплапти. Маҳалламиздаги 8 нафар аёлга туризми ривожлантириш, уй-меҳмонхоналарни таъмирлаш ва уларга хоржий меҳмонларни жалб этиш учун 33 миллион сўмгача

имтиёзли кредит олиб бердик. Бундан ташқари, маҳалладаги 2 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аёл “Хунарманд” уюшмасига аъзо қилинди. Уларнинг ҳозирда 10 нафардан шогирдлари бор, гул ясаш хунармандчилиги ҳозирда харидорғир. “Аёллар дафтари”га киритилган 90 нафар хотин-қиздан 51 нафари ишсизлик тоифасига кирган биринчи тоифа аёллар ҳисобланади. Шулардан 8 нафарига кредит асосида иш бошлаши учун шартли яратилди. 3 нафари доимий иш билан таъминланди, 2 нафари касб-хунарга ўқитилди ва қолганлари томорқа, уй-меҳмонхоналари билан таъминланди. Шу билан бирга, 14 нафар ногиронлиги бор аёлга бир марталик “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. Умуман олганда, маҳалламиз ҳудудда ёзги оромгоҳлар, дам олиш жойлари, санаторийлар кўплиги сабабли аёлларни иш билан таъминлашда муаммолар йўқ, дея олам.

Таклифим: аёллар турмуш даражасини юксалтиришда, биринчи навбатда, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ва кўникмаларини ошириш зарур. Бунинг учун маҳалла фаоллари ёрдамида улар билан суҳбатлар ўтказиб, тарғибот ишларини йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, хотин-қизларимизнинг иш тажрибаларини орттириш мақсадида вилоятлараро саёҳатлар ташкил қилишда кўмаклашиш, дейлик, 20 нафар фаол хотин-қиз бошқа вилоятлардаги ишлаб чиқариш, тадбиркорлик фаолиятлари билан танишиб, тажриба алмашса, ўрганса, сўнгра маҳалламиздаги хотин-қизлар ўртасида тарғиб қилса, айни муддао бўлар эди.

НИГОҲ

## “МАЙМУНЧЕЧАК”НИ ЖИЛОВЛАШ МУМКИНМИ?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа миқтакавий бюроси директори Ханс К्लюге дунёнинг қатор мамлакатларида трох (маймун чечак) вирус тарқалиши билан боғлиқ эндемик вазият юзасидан баёнот берди.



Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати.

Унинг қайд этишича, ваҳимага берилишга ҳожат йўқ. Трох эпидемиясини тўхтатиш имкони бор. Бунинг учун зарур профилактик чора-тадбирлар қўйирилиши керак. Инфекция ўчоқлари аниқланган ва вирус тарқалиши хавфи юқори ҳудудларда вакциналар таъминотини ошириш лозим.

“Маймун чечак”и коронавирус даражасидаги ўта жиддий муаммо эмас. Биз трох вируси билан қандай курашишни биламиз”, дейди Ханс К्लюге.

Баёнотга кўра, июнь ойи охирига келиб, жами 116 мамлакат, жумладан, Марказий Африка Республикаси, Бурунди, Кения ва Руандада касалланиш ҳолатлари қайд

этилган. Ҳозир қатор давлатларда вируснинг “Clade Ib” деб номланган янги штамми тарқалди. Ушбу мутация Конго Демократик Республикасида 500 кишининг ўлимига сабаб бўлди. Август ойи бошида Швецияда ҳам маймун чечакнинг худди шу турини юқтирган беморлар рўйхатга олинди. Британиялик олимлар фикрича, “Clade Ib” мутацияси бошқа штаммларга қараганда юқумлироқ ва нисбатан оғирроқ асоратларни келтириб чиқараяпти. Шунга қарамай, Х.Клюге трох вирусининг ҳар қандай штамминини тегишли эпидемиологик чора-тадбирлар ҳамда хасталикка қарши вакциналар орқали назорат қилиш ва жиловлан мумкин, деб ҳисоблайди.

САЛОМАТЛИК

## Кўмитани ташкил этиш тартиби белгиланди

Куш кеча қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тасдиқлан тўғрисида”ги ҳуқуқат қарорига мувофиқ, Оила ва хотин қизлар кўмитасининг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби белгилан берилди.



Ўғилрой ўРОЗОВА, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси бошқарма бошлиғи.

Эндиликда кўмита оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини юртидаги алоҳида мақомга эга республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

Қарорга кўра, Оила ва хотин-қизлар кўмитасига бир қатор вазифалар белгилан берилди. Жумладан, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини ифодалашга алоҳида эътибор қаратади. Қолаверса, давлат хизмати, таълим, илм-фан ва инновация, спорт, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳаларда аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқариш ва амалга оширади. Иқтидорларни аниқлаш ва уларга кўмаклашиш тизимини такомиллаштиради.

Хотин-қизларнинг яшаш шароитини яхшилаш, имкониятларини рўйбга чиқариш мақсадида касбий кўникмалари оширилади. Муносиб иш топиши ҳамда тадбиркорлигини ривожлантиришда кўмаклашади. Ижтимоий ҳодим ва бошқа давлат хизматчилари билан ҳамкорликда хотин-қизларни таълим ва зўравонликлардан ҳимоя қилади. Шу билан бирга миграциядан қайтган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, оғир вазиятга тушиб қолган аёлларнинг ижтимоий мослашуви, улар билан манзилли ишлаш орқали зарур ёрдамлар олишини таъминлайди.



Бу вазифаларни бажариш учун бириктирилган жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликда ишлайди.

Шунингдек, қарор билан “Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар кўмитасини ривожлантириш ва ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси тўғрисидаги низоми” тасдиқланди.

Унга кўра, кўмита фаолиятини молиялаштириш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби маъруз низоми билан тартибга солиниши белгиланди.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси  
Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ  
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ  
Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани «Лашкарбеги» МФЙ, Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.  
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 675 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-820

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.